

Боғчада кўчма кутубхона ташкил этилди



Боғчада кўчма кутубхона ташкил этилди

Мўхтарам Юртбошимизнинг ёшларга булган эътибор ва ғамхўрлиги кундан кунга ошиб бормоқда, негаки "Фарзандларимиз биздан кўра, кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт". Президентимиз томонидан илгари сурган бешта ташаббус фарзандларимиз келажакка қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бугунги кунда Сух туманида ташаббуснинг тўртинчи йўналиши - ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида Сух туман ахборот кутубхона марказининг 2020 йил учун мўжалланган иш режаси шакллантирилган. Туман ахборот кутубхона маркази директори Зафаржон Ғаниевнинг маълумотига кўра, тасдиқланган режага асосан куни кеча 1-сонли мактабгача таълим ташкилотида АКМнинг биринчи кўчма кутубхонаси ташкил этилди. Кўчма кутубхона АКМ томонидан 30 дондан кўпроқ бадиий адабиётлар, болажонлар учун эртақ ва шеърый тўпламлар билан таъминланди.

Туман ахборот кутубхона маркази директорининг сўзларига кўра, яқин кунларда тасдиқланган режага биноан, туманнинг 2, 3, 4, 5, 6, 12-сонли мактабгача таълим ташкилотлари, марказий шифохона, туман ҳокимлигида ҳам шундай кўчма кутубхоналар ташкил этилади. 1-сонли МТТ да ташкил этилган кўчма кутубхона фонди АКМ нинг мутасаддий ходимлари Т. Бобоева ва А. Ғойибовларнинг тақдим этилган китоблари билан бойитилди. "Биз бундай ташаббусдан миннатдоримиз, чунки болаларимизга тақдим этилган китоблардан янги-янги шеърлар ва эртақлар ўқиб берамиз" - дейди 1-сонли МТТ тарбиячиси Ш. Ҳомидова. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ташкил этилган кўчма кутубхоналар АКМ томонидан ҳар икки ойда янги бадиий адабиётлар билан таъминланади.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-03-04 17:14:54